

## ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ЖАМИЯТИДА ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

А. Туракулов,

Наманган давлат университети,

мустақил изланувчи

### Аннотация

Бугунги кунда футбол дунёдаги энг йирик аудиторияга эга бўлган спорт тури ҳисобланади. Футбол жамиятнинг турли соҳаларида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Ўзбек жамиятида футболнинг аҳоли саломатлиги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролининг қайси даражада эканлиги. Европа ва Жанубий Америка мамлакатларида мазкур спорт турини ривожлантириш ва жамиятга ижобий таъсири юзасидан уларнинг тажрибалари. Мамлакатимизда футбол ривожлантиришга бўлган эътиборнинг юқори даражада эканлиги. Футбол мактаблари ва академияларидаги таълим жараёнларининг замонавий ҳаётга қанчалик мос эканлиги ҳақида. Профессional футболчиларни тайёрлаш тизимимиздаги камчиликлар, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар. Миржалол Қосимов, Одил Аҳмедов, Элдор Шомуродов, Жалололдин Машарипов каби футболчилар сонини кўпайтириш бугунги футболимизнинг долзарб вазифаси эканлиги ҳақида тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Спорт, Полвонлар авлоди, Чавандозлар авлоди, Пахтакор, Этно-ижтимоий муносабатлар, Европа ва Лотин Америкаси, Япония ва Жанубий Корея, Болажон ва Ақлвой, Марадона, Месси, Луиш Фигу, Роналду, Зидан, Супер-лига, Пеле, Прованс рицарлик ғояси.

**Аннотация:** На сегодняшний день футбол является видом спорта с самой большой аудиторией в мире. Футбол показывает свое положительное влияние в различных сферах жизни общества. Какова роль футбола в здоровье населения и воспитании подрастающего поколения в узбекском обществе? Их опыт развития этого вида спорта и его положительное влияние на общество в странах Европы и Южной Америки. Внимание к развитию футбола в нашей стране находится на высоком уровне. Об актуальности образовательных процессов в футбольных школах и академиях для современной жизни. Недостатки нашей системы подготовки профессиональных футболистов, предложения по их устранению. Было отмечено, что увеличение числа таких игроков, как Мирджалал Касымов, Одил Ахмедов, Эльдор Шомуродов, Джалололдин Машарипов, является актуальной задачей нашего футбола сегодня.

**Ключевые слова:** Спорт, Поколение борцов, Поколение всадников, Фермер, Этносоциальные отношения, Европа и Латинская Америка, Япония и Южная Корея, Болахон и Аклвой, Марадона, Месси, Луиш Фигу, Роналду, Зидан, Суперлига, Пеле, Прованс идея рыцарства.

**Abstract:** Today, football is the sport with the largest audience in the world. Football shows its positive impact in various areas of society. What is the role of football in the health of the population and the upbringing of the younger generation in Uzbek society? Their experience in the development of this sport and its positive impact on society in Europe and South America. Attention to the development of football in our country is at a high level. On the relevance of educational processes in football schools and academies for modern life. Disadvantages of our system of training professional football players, proposals for their elimination. It was noted that an increase in the number of players such as Mirjalal Kasymov, Odil Akhmedov, Eldor Shomurodov, Jaloliddin Masharipov is an urgent task for our football today.

**Key words:** Sport, Generation of wrestlers, Generation of riders, Farmer, Ethno-social relations, Europe and Latin America, Japan and South Korea, Bolakhon and Aklvoy, Maradona, Messi, Luis Figo, Ronaldo, Zidane, Superleague, Pelé, Provence idea of knighthood.

Шарқ мамлакатларида қадимдан спортга бўлган муносабат ва спорт билан шуғулланишга эътибор юқори даражада бўлган. Хусусан, ўзбекларда қадимдан курашнинг бир қатор турлари (турон кураши, белбоғли кураш ва ҳ.к.), кўпқари, оғир атлетика элементларини ўзида мужассамлаштирган тош кўтариш билан боғлиқ спорт турлари кенг ривожланган. Миллий спорт турларининг аксарияти мавсумий ёки байрам ва сайлларда ўтказилган. Спорт билан шуғулланишни биринчи навбатда саломатлик учун муҳим ҳисоблашган бўлишса, ўз навбатида соғлом ва бақувват авлодни келажак пойдевори сифатида ҳам эътиборга олишган. Шунинг учун ҳам оилаларда фарзандларни эркалаб полвон, чавандоз, ботир деб эркалатишган ва бу жиҳат исмларда ҳам ўз аксини топган. “Полвонлар авлоди”, “чавандозлар авлоди” каби тушунчалар ҳам айнан маълум бир сулолани мазкур спорт турларига алоқадорликлари натижасида вужудга келган. Байрам сайлларида ўтказилган мусобақаларда майдонга чиққан спортчилар эришган натижалари орқали ўзларининг аждодлари ва яшаётган худудларини шаънини ҳимоя қилаётганликларини ҳис этиб мусобақалаштирган. Мусобақалар асосан бозорларда ва аҳоли кўп тўпланадиган худудларда ўтказилган. Мусобақалар ўтказиладиган майдон ҳар доим спортсеварлар билан гавжум бўлган. Ўзининг бой анъаналарига эга спорт турлари мавжуд бўлишига қарамай, жаҳон

миқёсида тан олинган спорт турларининг кириб келиши халқимизнинг спорт анъаналарини бойитишга хизмат қилди.

Футбол спорт тури қадимий спорт турлари сирасига кирмасида, бир асрдан ортиқ вақт давомида турли даврларда ўзига хос босқичларларни босиб ўтди. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб футбол Ўзбекистонда биринчи рақамли спорт турига айланди. Даставвал, “Пахтакор” жамоаси мамлакатнинг бош жамоаси сифатида фаолият юритган. Мамлакатдаги футбол кайфияти ва ривожини “Пахтакор” жамоасининг натижалари орқали талқин қилинган. Мураббийлар таркибида маҳаллий аҳоли вакиллари кам учраган уларни асосан болалар футболларида учратиш мумкин эди. Профессионал футбол жамоаларида маҳаллий мураббийларнинг камлигини мазкур даврда жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган ўқув юртларининг камлиги, фаолият юритаётганларида ҳам футбол мураббийларини тайёрлаш тизими йўлга қўйилмаганлиги билан изоҳлашимиз мумкин. Шунинг учун ҳам ўзбек футболлари рус футболлари мураббийлари методи асосида шаклланди. Ўзбекистон ҳудудида дастлаб ташкил этилган жамоалар таркибида турли миллат вакиллари фаолият олиб боришларига қарамай футбол мухлислари стадионларда уларни қўллаб-қувватлашган. Турли миллат вакиллари билан бир жамоада ва бир мақсад остида бирлашиб ҳаракатланиши жамоавий спорт турлари ичида биринчилардан бўлиб футболда этно-ижтимоий муносабатларни шаклланиши ва ривожланишига замин яратди. “Пахтакор” жамоасининг самарали фаолият юритган 1978-1979 йиллардаги таркибига назар ташлайдиган бўлсак рус, украин, татар, корейс миллатига мансуб футболчилар фаолият юртишган. Мамлакатимизда 1970 йилларгача стадионларидаги мухлислар асосан маҳаллий аҳоли вакиллари бўлишган. Кейинчалик стадионларда ўзбек жамоаларини қўллаб-қувватловчиларни турли миллат вакиллари ташкил этишган.

Футболнинг ривожланиши бугунги кунда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда асосий ўринни эгаллайди. Болалар ўртасида футбол ўйинларининг ташкил этилиши уларнинг жисмоний ривожланишларида ва ўзига бўлган ишончини ортишида аҳамиятли ҳисобланади. Бугунги кунда компьютер ўйинларининг кенг тарқалгани ва интернетдан фойдаланишнинг оммалушуви қайсидир маънода инсонларда камҳаракатлиликни келтириб чиқармоқда. Камҳаракатлилик ортидан болалар ва катталарда турли касалликлар пайдо бўлиш эҳтимоли ортиб бормоқда. Футбол спорт тури аҳолининг деярли барча қатламлари орасида саломатликни тарғиб этувчи биринчи рақамли спорт тури ҳисобланади.

XX асрнинг сўнгги йиллари ва XXI аср бошларига қадар футбол билан шуғулланиш ёши 8-10 ёшдан деган тушунча деярли барча давлатларда мавжуд бўлган. Бугунги кунга келиб футбол билан шуғулланиш ёшини мутахассислар биров ёшартириб 5 ёшдан машғул бўлиш инсоннинг жисмоний ва руҳий ривожланишига ижобий таъсир этиши ҳақида фикр билдирмоқдалар. “Ота-оналар ўз фарзандларини беш ёшдан бошлаб

футболга мухаббатли этиб тарбиялашлари келажакда уларни спортга бўлган эътиборларини ортишига ва соғлом ўсишларига катта туртки бўлишини инглиз олимлари доимий равишда такрорлаб келишмоқда.” [1]

Футболи ривожланган Европа мамлакатлари, Лотин Америкасининг (Бразилия, Аргентина, Уругвай) қатор мамлакатлари ва Осиёнинг Жанубий Корея ва Япония мамлакатларида болаларнинг беш ёшга тўлганларидан бошлаб футбол тўғарақларига жалб этиш одатий ҳолга айланиб улгурди. Мазкур мамлакатларда болалар боғчаларининг йиллик иш режаларида ҳам футбол спорт турига алоҳида ўрин ажратилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йилнинг 6 июндаги ПҚ-268-сонли “Давлат спорт-таълим муассаслари фаолиятини мутлақо янги тизим асосида ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорининг қабул қилиниши ҳам мамлакатимизда спортга бўлган эътиборнинг ҳукумат даражасида эканлигини кўрсатади. Мазкур қарорда спорт мактаблари бундан буён 4 ёшдан 30 ёшгача бўлган спортга бефарқ бўлмаган болалар ва ёшларни қамраб олишни назарда тутади. Шу ўринда мамлакатимизда болалар боғчалари дастурларида футбол спорт турига алоҳида эътибор берилишини “Болажон” ва “Ақлвой” телеканалларида ҳам футбол спорт тури элементлари мавжуд бўлган ҳаракатли ўйинларга асосланган кўрсатувлар ташкил этилишини таклиф сифатида беришимиз мумкин. Бу келажак авлоднинг соғлом ва бақувват ўсишида, теран фикрлашида ўз аксини топади.

Ўзбекистонда футбол спорт турининг ривожланиши ва мамлакатимиздан профессионал футболчиларнинг етишиб чиқиши, уларнинг халқаро майдонлардаги муваффақиятли фаолият юритиши биринчи навбатда мазкур спорт турига қизиқувчилар сонининг кескин ортишига хизмат қилади. “Профессионал футболчиларнинг мамлакатда ва унинг ташқарисида тўп тегишлари ва уларнинг фаолият даражалари келажакда янги футбол юлдузларининг етишиб чиқишида муҳим ўринни эгаллайди. Месси ва Роналдуларнинг катта майдонларда тўп суришларида Марadona ва Луиш Фигуларнинг улкан хизмати мавжуд. Бугун эса улар (Месси ва Роналду) миллионлаб дунё болаларига футбол орзусини улашмоқдалар”. [2]

Футбол учрашувлари телевидения ва интернетдаги турли платформалар орқали намоёниш этилади. Профессионал футболчиларнинг майдондаги ҳаракатлари ва ўзларини тутишлари ҳар доим омманинг эътибор марказида. Шунинг учун ҳам бугунги кунда “замонавий футболнинг тарбиявий аҳамияти” иборасига кўп дуч келамиз. “Аксарият мамлакатлар футболда тарбиявий аҳамият юқори эканлигига эътибор қаратмайдилар. 1998 йилдан Бельгияда ҳудудларда жиноят содир этишга мойил ёшлар ўртасида мамлакат чемпионати ўтказила бошланди. Жиноятчиликни олдини олиш бўйича маърузалар, машхур инсонлар, санъаткорлар билан ўтказиладиган томошалардан футбол афзаллиги тасдиғини топди”. [3] Футбол жамоавий ўйинлиги

жиҳатдан қамрови ва унга қизиқувчиларнинг аудиторияси нуқтаи назаридан бошқа спорт турларидан сезиларли устундир.

Италия ва Франция терма жамоалари иштирок этишган 2006 йилги Жаҳон чемпионати финал учрашувида Франция терма жамоаси сардори Зениддин Зидан рақибига атайин бош билан зарба бергани учун қизил карточка олиб майдонни эрта тарк этади. Ушбу ҳолат орадан кўп вақт ўтишига қарамай доимо муҳокама қилинди. Зиданнинг ўзидан ушбу воқеага муносабат сўралганда, ўзини ҳамиша айбдор ҳисоблашини ўша куни футбол мухлислари орасида миллионлаб болалар бўлганини улар олдида ўзини бундай тутмаслиги кераклигини кўп бора таъкидлайди. Футбол қироли Пеле ўзининг хайрлашув учрашувида таъкидлаганидек, болаларни асранг.

Бугунги кунда ўзбек футболни қайси жиҳатлари билан келажак авлодга ва ўз мухлисларига намуна бўла олаётми? Халқаро майдонда ўзбек футболни деганда Миржалол Қосимов, Одил Аҳмедов, Элдор Шомуродов, Жалолиддин Машарипов, Отабек Шукуров каби спортчилар тилга олинади. Мазкур футболчиларнинг миллат футболни юзи, спортивиз имиджи сифатида эътироф этилишларига уларнинг майдондаги меҳнатлари билан бир қаторда улардаги тарбия, атрофдагиларга муносабат каби жиҳатлари асосий ўринни эгаллаган. Мамлакатимизда ўтказиладиган Супер-лига, про-лига жамоалари ўртасидаги учрашувларини мунтазам кузатиб боришимиз натижасида бугунги футболимиз жамиятга тарбиявий жиҳатдан ўз имконияти даражасида ижобий таъсир этмаётганлигига гувоҳ бўламиз. Нефтчи-Турон жамоалари ўртасидаги 2020 йилнинг декабр ойидаги учрашувда футболчиларнинг мухлислар кўз ўнгида ҳакам билан орани очик қилишга киришиб кетишлари интернет сайтларида оммалашди ва бу ҳолат ҳорижий оммавий ахборот воситалари орқали ҳам намойиш этилди. “Замонавий европа футболни мурасасиз курашларга ва ҳаяжонли тўқнашувларга қарамасдан спортчилар ўртасидаги юқори маданият, инсонийлик туйғуларини сақлаб қолаётганлиги замирида ўрта асрлар Прованс рицарлик ғоялари асосидаги дастурларнинг футбол таълимидаги ўрни юқори эканлигини кўрсатиб турибди”. [4] Футбол қироли Пеле айтганидек, тўғри ўта муҳим ўйин бўлиши мумкин, лекин у барибир ўйин. “Франциянинг Прованс худудида илк бор рицарлик ғояси шаклланади. Унга мувофиқ рицарларда қаҳрамонлик, ботирлик идеалига маданиятлик, сахийлик, олийжаноблик ва билимдонлик тушунчалари кўшилади. Ҳар бир инсонда Исо пайғамбар танасининг заррачаси бор. Шунинг учун уни ҳақоратлаб, қийнаб бўлмайди.” [5] Мазкур ғояларнинг замонавий кўринишидан бугунги кунда европанинг етакчи футбол академиялари фойдаланадилар. Натижада майдонда ҳақиқий футболни намойиш этадилар. Бундан энг аввало мухлислар завқ оладилар. Ҳар қандай муҳим бўлган ўйин инсон шаъни, кадр-қимматидан устун бўла олмайди. “Ҳар қандай спорт тури инсон саломатлигига, мухлисларнинг маънавий озуқа олишига, миллатлар

ўртасидаги самимий муносабатларга хизмат қилиши лозим. Акс ҳолда бундан энг катта жабрланувчи сифатида жамиятни кўришимиз мумкин бўлади”.[6]

Бугунги футболимизнинг тарбиявий аҳамияти жамиятимизда кутилганидек натижа бермаётганлигининг омилларидан бири футбол мактабларимиздаги маънавий-тарбиявий ишларнинг тўғри йўлга қўйилмагани билан боғлиқ. Юқоридаги ҳолатлар футболи ривожланган мамлакатларда XX асрнинг 80-йилларида кузатилган ва ижтимоий хавфи юқори бўлганлиги туфайли қатор олимлар иштирокида махсус дастурлар ишлаб чиқилиб ҳаётга тадбиқ этилган.

Миллий терма жамоаларимиз иштирокидаги муҳим ўйинларда ҳам футболчиларимиз майдонда ўзларини нопрофессионал тутишлари туфайли кўплаб финалларни бой бериб келмоқдамиз. Ўзбекистон U-23 ва Ироқ U-23 терма жамоалари ўртасида ўтказилган 2022 йилнинг 11 июнидаги учрашувда вакилларимизнинг ўз ҳиссиётларини жиловлай олмасликлари оқибатида ўйиннинг дастлабки дақиқаларидаёқ майдонда бир киши кам бўлиб қолишларига олиб келди. Тошкентда 2010 йилги ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё Кубоги финалида ҳам футболчиларимиз қизил карточка туфайли ўйинда камчилик қолишган ва финални бой беришган. Натижада стадионга йиғилган 35 мингга яқин мухлислар вазиятдан норози бўлиб мамлакат имиджига салбий таъсир этувчи ҳаракатларни амалга оширишган ва майдонга турли буюмларни улоқтиришган.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Jacqueline Woodson. Before the Ever After. Nancy Paulsen Books. New-York City. 2020. –р. 18.
2. Carlos Lago Penas. Cortita Y Al Pie. Independently published. Chicago. 2018. –р. 2.
3. Peter Swain. The Emergence of Football. London: eBook Published. 2020. –р. 18.
4. Adam R. Football’s Comic Book Heroes. -Edinburgh: Mainstream Publishing, 2009. –р. 22.
5. Сулаймонова Ф. Шарқ ва ғарб. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –б. 7-8.
6. Алексей Зинин. Разоблачение игры. О футбольных стратегиях, скаутинге, трансферах и аналитике. Эксмо. Москва. 2018. –с. 12.